

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ АСОСИ

Шодмонов Элдор Эгамбердиевич

Вазирлар Маҳкамаси Назорат ва ижро интизоми бўлими
бош мутахассиси Мустақил тадқиқотчи

Аннотация:

Мақолада Янги Ўзбекистонда фуқароларни давлат органларига мурожаат қилишининг халқаро ва миллий нормалари, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳрири, имплеметация масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фуқароларнинг мурожаатлари хуқуқи, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, хуқуқий асос, мурожаат ҳуқуқининг универсал механизмлари, халқаро тажриба.

Аннотация:

в статье проанализированы международные и национальные нормы обращения граждан в государственные органы Нового Узбекистана, а также новая редакция нормативно-правовых актов по вопросам обращения граждан, включая освещение вопросов имплементации международных стандартов.

Ключевые слова: право граждан на обращение, нормативно-правовые акты, правовое основание, универсальные механизмы права на обращение, международный опыт

Annotation:

The article analyzes international and national norms of citizens' appeal to state bodies of the New Uzbekistan, as well as a new version of regulatory legal acts on issues of citizens' appeals, including coverage of issues of implementation of international standards.

Keywords: citizens' right to appeal, regulatory legal acts, legal basis, universal mechanisms of the right to appeal, international experience



Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон хукуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизда тизимили ва босқичма-босқич жорий этилиши бўйича бир қатор ишларо олиб борилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг халқаро хукукий асоси бўлиб, “Инсон хукуқлари умумжаҳон деклорациясининг” 8-моддасини келтиришимиз мумкин. Унда ёзилишича “Ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий хукуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу хукуқларнинг самарали тикланиши хукуқига эга”¹.

Мустақиллик йилларида Конституцияда мустаҳкамланган шахсларнинг мурожаат қилиш хукуқи “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”²ги қонуни орқали амалга оширилди. Ушбу қонун 2002 йилгача амалда бўлиб, ундаги баъзи бир нормалар эскирганлиги сабаб, 2002 йил 13 декабря “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни янги таҳрирда қабул қилинди³. Ушбу қонун ҳам Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-378-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга асосан 2014 йил 4 декабря ўз қучини йўқотди⁴. 2017 йилнинг 12 сентябрида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди⁵. Ушбу қонунда фуқароларнинг мурожаат қилиш хукуқини амалга оширишларининг тартиби кенг ёритиб берилган. Шунингдек, аҳолининг давлат органлари билан муносабатга киришларини хукукий тартиби, ушбу қонун билан тартибга солинган бўлиб, қўзда тутилган

¹ Инсон хукуқлари умумжаҳон деклорацияси. Constitution/uz/uz/pages/humanrights

² “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1994 йил, №5, 140-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 7-модда.

⁴ “Ҳалқ сўзи” газетаси 2014 йил 4 декабрь 235-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, №12, 340-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 37-сон, 977-модда.



қоидалар барча давлат органлари, давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари учун бирдек амал қилади. Ушбу Қонун давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-хуқуқий хужжат ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ, бугунги қунда шахсларнинг мурожаатлари қонунийлик, ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, мурожаатларни кўриб чиқишида йўл қўймаслиги, муоржаатларни кўриб чиқишида давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг шаффоғлиги тамойиллари асосида амалга оширилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг хуқуқий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаркатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид 320-банддан иборат Давлат дастури⁶ қабул қилинди. Дастурдаги “2.2. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш” бобининг 66-72-бандлари бевосита аҳоли ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашини такомиллаштиришга қаратилди.

Хусусан, унда:

- Барча хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш;
- Ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат жамияти органларида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлим, бўлинма ёки гуруҳлар ташкил этиш;

⁶ <https://president.uz/view>



- Давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини маъсул ижрочилар ва соҳалар бўйича тақсимлашни ҳамда тизимлаштиришни назарда тутувчи мурожаатларни ягона классификаторини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, мурожаатларни рўйхатга олиш тизими бўйича ягона электрон дастурни татбиқ этиш;
- Хар бир давлат ва хўжалик бошқаруви фаолиятида мурожаатлар билан ишлаш аҳволини ҳар чоракда умумлаштириш ва ҳоказо.

Юқорида қайд этилган қоидалар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конуннинг янги таҳририда ўз аксини топган бўлиб, қонун моддалари 30 тадан 38 тага оширилди. Жумладан, Конунда унинг амал қилиш доираси аниқлаштирилб, унинг давлат иштирокидаги ташкилотларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланди, мурожаатларни кўриб чиқишининг асосий тамойиллари белгиланди. “Электрон мурожаат”, “такрорий мурожаат”, “аноним мурожаат”, “видеоконференцалоқа”, “мурожаатларнинг дубликати”, “давлат иштирокидаги ташкилот” каби тушунчалар моҳияти очиб берилди, “оммавий қабул” мазмуни ва уни ташкил этишнинг механизмлари белгиланди⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 23 июлда “Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлақо янгича ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент мурожаатларда кўтарилиган муаммолар кўплаб ислоҳотларга сабаб бўлганлигини қайд қилиб ўтди. Жумладан, валютага оид, прописка, пенсия ва нафақаларни нақд пулда олиш масалалари бўйича кулайликлар яратилганлиги боис, уларга оид мурожаатлар бутунлай тўхтаган. Ҳолбуки 2017 йилда уларга оид ҳар ойда 100 мингта мурожаат тушган. Суд-тергов идораларига адолат ва очиқлик кириб бораётганлиги сабабли одамларнинг йиллаб ҳал бўлмаган 250 мингта шикояти ижобий якун топган. Ёки Ўзбекистон фуқаролигини олиш тартибларини енгиллаштирилганлиги

⁷ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг З-моддаси. Lex.uz/docs/3336169.



шарофатидан 100 мингга яқин оила рўшнолик қўрган⁸.

Мазкур йиғилиш баёни ижросини ташкил этиш юзасидан 2021 йил 7 августда чора-тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланди⁹.

Мамлакатимизда янги таҳирда қабул қилинган Конституция инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунлар билан белгиланган манфаатларни ҳимоя қилишга ҳизмат қилиши билан бир вақтнинг ўзида жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий ёки жамоа манфаатлари юзасидан ваколатли давлат органлари ва давлат муассасаларига мурожаат қилиш ҳукуқини кафолотловчи муҳим расмий хужжат ҳисобланади.

Мурожаат қилиш ҳукуқининг Конституцияда нормалар билан белгиланиши демократик тамойилларга тўла мос келишини таъкидлаган ҳолда ҳар бир шахснинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш орқали ўз қонуний мурожаати кафолатланиб, ҳар бир мурожаат қилувчига бир хил ҳуқуқ берилади ва мажбурият юкландади. Ҳар бир шахснинг ҳукуқлари муҳофаза этилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш демократик давлатнинг асосий элементларидан ҳисобланади.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи инсоннинг асосий конституциявий ҳукуқларидан ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ, ўз табиатига кўра, биринчи авлод ҳукуқлари – сиёсий ва фуқаролик ҳукуқлари туркумига киради. Мурожаат қилиш ҳукуқининг ўзига хос ҳусусияти шундаки, унинг ўзи шахс ва давлат муносабатларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этиш билан бирга, айни пайтда, инсоннинг бошқа ҳукуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқи инсоннинг шахси билан биргалиқда унинг ҳукуқларини ҳимоя қилувчи ҳукуқдир.

⁸ President.uz/uz/lists/view/4504.

⁹ Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. – Т.: Nashriyot uyi tasvir. 2024. – 9 бет.



Мурожаат қилиш ҳуқуқи асосида давлат идоралари ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг эътибори муайян бир ижтимоий аҳамиятга молик масалага қаратилади ёки шу йўсинда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси талаб қилинади¹⁰.

Ҳақиқатни тан олиш керакки, мамлакатимизда фуқаро ва инсонларнинг халқаро ташкилотларга мурожаатлари норматив ҳужжатларда ўз аксини топмаган эди. Мазкур норманинг янги таҳрирдаги Конституцияда акс эттирилиши фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда муҳим қадам бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 23 июль куни аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши. [President.uz/uz/lists/view/4504](https://president.uz/uz/lists/view/4504).
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. [Constitution/uz/uz/pages/humanrights](https://constitution.uz/uz/pages/humanrights)
3. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1994 йил, №5.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон.
4. “Халқ сўзи” газетаси 2014 йил 4 декабрь 235-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, №12.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 37-сон.
6. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид 320-банддан иборат Давлат дастури. [https://president.uz>view](https://president.uz/view)
7. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддаси. [Lex.uz/docs/3336169](https://lex.uz/docs/3336169).

¹⁰ О. Оқюлов, М.Х. Баратов, Х. Юнусов, Р.Т. Ҳакимов, С.Ш. Джалилов. Шахсий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш. -Т.:”MAKON SAVDO PRINT”, 2024.йил, -Б.181

Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from Toronto, Canada.

Date: 5th November, 2024

ISSN: 2835-5326

Website: econferenceseries.com

8. Тажибаев М. Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тартиби. – Т.: Nashriyot uyi tasvir, 2024.- 240 бет.

9. О. Оқюлов, М.Х. Баратов, Х. Юнусов, Р.Т. Ҳакимов, С.Ш. Джалилов. Шахсий хуқуқларни фуқаролик-хуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш. - Т.:”MAKON SAVDO PRINT”, 2024.йил, -293 бет.



E-Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

E- CONFERENCE
SERIES